

ТИББИЁТДА ҚҮЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙҮРИҚНОМА

«MA'QILLANGAN»
O'zbekiston Respublikasi Sog'ligni saglash vazirligi
huzuridagi Farmatsiyalik farmog'ini rivojlantirish
agentligining «Dorilarning qurashchilik shartnamesi va
tibbiy texnika eksperzializi» va
standartlashtirish davlat markazisi DUK
12.06.2019 y. №11

Препарат савдо номи: Аллерайз
Таъсир этувчи модда (ХПН): олопатадин
Дори шакли: кўз томчилари

Таркиби:
Бир мл эритма қўйидагиларни сақлайди:
фаол модда: олопатадин гидрохlorиди, 1 мг олопатадинга
эквивалент;
ёрдамли моддалар: бензалконий хлориди, динатрий
фосфати дигидрати, натрий хлориди, хлорид водород
кислотаси 3,6% ли эритмаси, натрий гидроксиди 4% ли
эритмаси, инъекция учун сув.

Таърифи: тиник эритма.

Фармакотерапевтик гурухи: Кўз касалликларини даволаш
учун препаратлар. Аллергияга қарши препаратлар бошқа.
АТХ коди: S01GX09

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Олопатадин Н₊-гистамин рецепторларининг селектив
ингибитори ҳисобланади, шунингдек семиз ҳужайралардан
яллигланиш медиаторларини ажраби чикишини ингибиция
қилади. Яққол аллергияга қарши (антигистамин) таъсир
кўрсатади. α-адренергик, допамин, 1 ва 2 типидаги
мускарин, шунингдек серотонин рецепторларига самара
кўрсатмайди.

Фармакокинетикаси

Олопатадиннинг тизимли сўрилиши маҳаллий
қўлланилигандан минимал ва плазмада <0,5 нг/мл-1,3 нг/мл
ташкил қиласди. Олопатадин бўйраклар орқали
чиқарилади, ярим чиқарилиш даври 8-12 соатни ташкил
қиласди. Амалда олопатадин тўлалигича (дозанинг 60-70%)
сийдик билан ўзгартмаган кўринишда чиқарилади.
Сийдикда, шу жумладан, унинг иккى метаболитарининг:
монодезметил ва N-оксид, паст концентрацияси
аникянган, гемодиализда яхши чиқарилади.

Қўлланилиши

- аллергик конъюнктивитларда қўлланиллади.

Қўллаш усули ва дозалар

Маҳаллий қўлланилиши учун: шикастланган қўлар (кўз)
пастки конъюнктив қопчага кунига иккى марта 1 томчидан
томизилади. З ёшдан катта болаларга катталардагидек
шундай дозаланади. Агар даволашда зарурат туғилса, у
тўрт ойгача давом эттирилиши мумкин. Даволаш
давомийлигини даволочи шифкор белгилайди. Кекса
ёшдаги одамларда, буйрак ёки жигар этишмовчилиги билан
хасталанган пациентларда дозага тузатиш киритиш талаб
этилмайди. Кўз учун бошқа маҳаллий дори воситалари
билин мажмуявий терапияда уларнинг қўлланилиши
орасидаги интервал камида беш минутни ташкил қилиши
керак. Кўз суртмаларини охирида қўллаш лозим. Флакон
эритмани ифлосланишини олдини олиш учун пипетканнинг
учи кўзга ёки бирон бир бошқа юзаларга тегиши мумкин
эмас. Қўллашлар орасида, флаконни зич ёпилган ҳолда
ушланг.

Ножўя таъсирлари

Даволаш билан боғлиқ бўлган кўпроқ учрайдиган ножўя
самаралар: кўзлардаги оғрик (0,7%).
Тез-тез (1/100 дан < 1/100 гача):

- бош оғриғи, дисгевзия, ҷарчоқлик, бурун шиллиқ қаватини
куриши
- кўздаги оғриқ, кўз ачишиши, кўзнинг қуруқлиги, кўзларнинг
аномал сезувчанилиги.

Кам ҳоллардa (≥ 1/1000 дан < 1/100 гача):

- ринит, бош айланиши, гипестезия (сезувчанилигнинг
пасайиши)
- шох парда эрозияси, шох парданинг эпителийси нүксони,
шох парда эпителийси бузилиши, нуктали кератит,
кератит, шох парданинг бўялиши, кўздан ажралмалар,
ёруғлидан кўркиш, кўришнинг ноаниклиги, кўриш
ўтиқринганинг пасайиши, блефароспазм, кўздаги
дискомфорт ҳисси, кўз қичишиши, фолликуляр
конъюнктивитлар, конъюнктивит, томонидан бузилишлар,
кўзда ёт жисм ҳисси, жадал кўз ёши оқиши, қовоқларнинг
қизариши, қовоқларнинг ишиши, қовоқлар томонидан
бузилишлар, кўз гиперемияси.

Номаълум (мавжуд бўлган маълумотлар бўйича баҳоланиш
имкони мавжуд эмас):

- юқори сезувчанилик, юзни шиши, контакт дерматит,
терининг қизиши ҳисси, терини қуруши, дерматит,
эритеем;
- шох парда шиши, кўзларнинг ишиши, конъюнктивит,
мидриаз, кўришнинг бузилиши, қовоқлар четидаги
тангачасимон қатламлар ҳосил бўлишилиги;
- диспноэ, синусит, астения, уйқучанлик, ҳолисзлик, кўнгил
айниши, кусиш.

Шох парданинг яққол шикастланиши билан хасталанган
пациентларда таркибида фосфатлар саклаган кўз
томчиларни қўллашда шох пардасининг кальцификация
ҳолатлари тўғрисида камдан-кам хабар берилган.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- препарат компонентларига юқори сезувчанилик
- З ёшдан кичик ёшдаги болаларда қўллаш мумкин эмас.

Дори воситалари билан ўзаро таъсири

Дориларнинг ўзаро таъсири бўйича тадқиқотлар
ўтказилмаган. Аллерайз препарatinинг бошқа кўз учун
томчилар билан мажмууда қўлланилигандан камида қўллаш
орасида 5 минут интэрвалга амал қўлиш зарур.

Махсус кўрсатмалар

Аллерайз кўз томчиларини маҳаллий қўлланилигандан
тизими сўрилиш эҳтимоли мавжуд. Ноҳия таъсирлар ёки
юқорисезувчанилик аломатлари пайдо бўлганда, препарatin
қўлланиши бекор қилиш керак. Офтальмологик
препаратлар учун консервант сифатида қўлланиливчи
бензалконий хлориди кўзни таъсирланиши чакириши
мумкин, ҳамда нуктали кератопатия ва/ёки токсик ярали
кератопатиянинг сабабчиси бўлиши мумкин. Қуруқ кўз, шох
пардасининг шикастланиши билан хасталанган
пациентларда, ҳамда Аллерайзни тез-тез ёки узоқ вақт
давомида қўлланилигандан, ҳолатнинг пухта мониторинги
зарур бўлади.

Контакт линзалар: Аллерайз кўз томчилари таркибида
бензалконий хлоридини саклаганиги сабабли, юмшоқ
(гидрофил) контакт линзаларни тақиб юришдан саклаш ёки
томизиш вақтида уларни очиб кўйиш лозим бўлади.
Линзаларни препаратни қўллаш орасидаги таннфусларда
тақиб юриш ва томизгандан камида 15 минутдан кейин
такиши керак бўлади. Кекса ёшдаги ва бўйрак ва жигар
етишмовчилиги билан хасталанган пациентларда доза
тузатиш киритиш талаб этилмайди. Аллерайз кўз
томчилари катталарда қандай бўлса, болаларда (3 ёшдан
кетта) ҳам худди шундай дозалашда қўлланилади.

Ҳомиладорлик ва лактация давари

Аллерайз препарати ҳомиладорлик вақтида ва самарали
контрацепцияни қўлланимайдиган бола туғиши ёшидаги
аёлларга тавсия килинмайди. Олопатадин кўкрак сути
билин ажралди, шунинг учун Аллерайз препаратини
эмизётган аёлларга қўллаш тавсия этилмайди.

Транспорт воситаларини ёки потенциал ҳаевли

механизмларни бошқариш қобилиятига дори

тасасининг таъсир этишининг хусусиятлари
Томизишдан кейин вақтнинчалик кўришнинг ноаниклиги ёки
бошқа кўриш бузилишлари эҳтимоли мавжуд, бундай
вазиятда кўриш тўлиқ тиклангунича автомобил/механизмни
бошқаришдан сакланниш зарур бўлади.

Дозани ошириб юборилиши

Маҳаллий қўлланилигандан дозани ошириб юборилишининг
эҳтимоли кам.

Даволаш: препаратнинг ортиқа миқдори кўзга тушиб
қолгандида, уларни катта миқдоридаги илиқ сувда ювиш
тавсия этилади.

Чиқарилиши шакли

Бирламчи ўрам: 5 мл дан препарат очилишдан ҳимоялаш
учун ҳалқа билан бураб қотирилувчи қалпоқча билан
ёпилган томизигич билан оқ пластик фланконда.

Иккиламчи ўрам: 1 фланкон давлат ва рус типлардаги
тибиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга
картон кутида.

Саклаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда саклансан.

Музлатилмасин. Зич тиқинлаб ёпилган фланконда

саклансан.

Болалар ололмайдиган жойда саклансан!

Яроқлилик муддати

2 йил. Фланкони биринчи очилишида қўллаш даври - 25°C
дан юқори бўлмаган ҳароратда 28 кун.

Яроқлилик муддати ўтгандан сўнг қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи

Balkanpharma-Razgrad AD, Разград, Болгария

Савдо белгиси ва рўйхатдан ўтказганлик

гувоҳномаси эгаси

Belinda Limited,

Лондон, Буюк Британия

Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътиrozлар

(таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва

манзили

“Ameliya Pharm Service” МЧЖ,

Ойбек кўч., 36, “EAST LINE” бизнес-маркази,

100015, Тошкент ш., Ўзбекистон.

Тел.: +998 78 150 50 81, +99878 150 50 82

e-mail: uzdrugsafety@evolet.co.uk